

ХАЛҚ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Икки минг йигирма учинчи йил, тўққизинчи июль – 09.07.23!
Бу сана ҳам тарихга айланди. Шунчаки эмас, аксинча, тарихий кун сифатида Янги Ўзбекистоннинг шонли солномасига битилди. Боиси, халқимиз айни шу санада келажак учун, нурли истиқбол учун эмин-эркин овоз берди. Юртдошларимиз фарзандлар эртасини ўйлаб, кейинги авлодлар олдидаги масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда сайлов участкаларига келишди. Ҳар бир инсон ўзининг конституцион ҳуқуқидан ўзи фойдаланди.

Одамлар сайловга куш кайфият ва байрамона либосларда, аксарият ҳолларда оила аъзолари, ҳатто жажжи неваралари қуршовида чиқишгани бу галги сиёсий тадбирнинг ўзига хос янгилиги бўлди. Сайловчиларнинг ҳар бири унинг овози муҳимлигини қалбан англагани ҳам ислохотлар муваффақиятини яққол намойишидир.

Муддатидан олдин ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини нафақат маҳаллий, балки хорижий экспертлар катта байрамга қийслаганида улкан маъно-мазмун мужасам. Сиёсий жараённинг ташкилий жиҳатлари юксак савияда уюштирилиши баробарида электроратга барча қулайликлар муҳайё этилди. Номзодларга тенг шароитлар яратилди. Уларни илгари сурган партиялар рақобатини ҳамма кузатиш имкониятига эга бўлди.

Энг муҳими, халқимиз ушбу сайлов орқали жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгига жуда жиддий синовдан, баланд маррадан шарафли ўтди. Истиқлол ғояларига содиқ қолган ҳолда, ўзаро аҳиллигини, Ватан тақдирига заррача бефарқ эмаслигини, улғу мақсадлар йўлида яқдиллик билан ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди. Буни дунёнинг турли минтақаларидан, нуфузли халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам эътироф этди.

Сиёсий тадбирни 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган жами 800 нафарга яқин халқаро кузатувчи бевосита кузатиб боргани, шунингдек, сайловни 1 минг 400 нафар



маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритиб боргани ҳам қизиқишининг юқори нуқтасидан далолат беради.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилиш учун Матбуот марказига келганида ана шу кузатувчи ва журналистларнинг катта қисми бевосита залда ҳозир бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро ва миллий сайлов мезонлари – ҳуқуқ нормалари асосида, кўтаринки руҳда ўтказилгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, мамлакатимиз тарихида илк маротаба муддатидан илгари ташкил этилган сайловда фуқаролар фаол иштирок этган

ни, сайлов янгиланган Конституция бўйича ташкил қилингани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида рўйхатга олинган жами сайловчиларнинг 15 миллион 651 минг 405 нафари ёки 79,88 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Дастлабки натижаларга кўра, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев 13 миллион 625 мингдан ортиқ ёки 87,05 фоиз овоз тўплаб яққол ғалабага эришди.**

Давоми 2-саҳифада. ►►

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



ХАЛҚ МЕҲРИ

Халқ меҳри, Ҳақ меҳрин бир ифодаси,
Шу меҳр куч берар, сизга ҳар дафъа,
Шеърининг сатрида ишонч шодаси,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Ватанпарварликнинг ёрқин тимсоли,
Халқнинг ризолиги – буюк аъмоли,
Фақат эзгуликда фикр, ҳаёли,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Арзийди, сизга юз тасанно деса,
Миллат ажратмайсиз, фуқаро деса,
Жафога жон тутган гар вафо деса,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Жон фидо бўлса ким сиздайин бўлар,
Сиз кирган ҳар гўша зийға тўлар.
Сиз деса эл қафти дуога тўлар,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Баҳорнинг меваси қутилар куздан
Умидингиз улғу ҳар ўғил-қиздан,
Ватанин севишни ўрганар сиздан,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Муҳтожлар мақсуди ушалди, шукур,
Муродга етганнинг қалбида сурур,
Нақадар ҳузурбахш ўзликдан ғурур,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Янги Ўзбекистон – янги тарихи,
Сиз одил тарихнинг чин муаллифи,
Дунёга дostonдир бугун таърифи,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Юз йил дард кўрмасин омон жонингиз,
Ҳали захирада минг имконингиз,
Машаққат меваси – тотган шонингиз,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

Худони хушламоқ – Ҳақ учун овоз,
Сиз учун овоз бу – халқ учун овоз,
Халқпарвар инсонга бўлмас эътироз,
Сизга ярашади яқдил ғалаба!

ИФТИХОР

АСИЛА МИРЗАЁРОВА:

“Президентга берган ваъдамни бажардим!”

Париж шаҳрида пара енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки кунда терма жамоамиз вакиллари икки медалга сазовор бўлди. Улардан бири Асила Мирзаёрова аёллар ўртасида Т11 классда узунликка сакраш бўйича 5,13 метр натижага қайд этиб, олтин медални қўлга киритди.



Асила МИРЗАЁРОВА,
пара енгил атлетика
бўйича жаҳон чемпиони:

– Ватаним олдидан юзим ёруғ бўлди. Президентимга берган ваъдамнинг удрасидан чиқдим. Мен ўзимни чин маънода янги Ўзбекистон фарзанди дея оламан.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг

30 май кунги Тошкентда бўлиб ўтган XI сьездда қатнашиб, Шавкат Мирзиёевнинг адолатли ва халқпарвар сиёсий натижасида биздек имконияти чекланган шахслар эътибордан четда қолмасдан, келиматда муносиб ўрнини эгаллаб, жалаётганга шахсан ўзимнинг мисолимада гувоҳлик бердим. Давлатимизнинг беқиёс эътибори, халқимизнинг юксак ишончини оқлаб, жаҳон ареналарида юртимиз байроғини янада баланд кўтаришга ваъда берган эдим.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кечаги ғалаба билан келгуси йил Парижда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Паралимпия ўйинлари лицензиясига эга бўлдим. Насиб этса, Ватанимиз шарафига яна кўп-кўп олтин медаллар шодасини тақдим этаверамиз. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда О'зЛиДеР номзоди Шавкат Мирзиёевнинг ишончли ғалабаси бизларни янада руҳлантириб, яқин истиқболдаги туб ўзгаришлар, улкан янгиланишларга умидимизни оширди. Мамлакатимизда адолатли ва инсонпарвар сиёсат бардавом экан, жаҳон аренасидаги ғалабаларимиз ҳам бардавом бўлаверади!



ҒАЛАБА ШУКУҲИ

Кун кеча Марказий сайлов комиссияси жорий йил 9 июль кунги ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг дастлабки натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев энг кўп овоз тўплаган. Ушбу номзодга 13 млн 625 мингдан ортиқ сайловчи (87,05 фоиз) овоз берган.

Мазкур хабар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси вакиллари, кўп минг сонли аъзолар ва фаоллар томонидан кўтаринки кайфиятда қутиб олинди.

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, депутатлар, фаоллар ва оммавий ахборот воситалари жам бўлган тадбирни О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси, Сайлов кодекси

ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтган сайлов натижаси билан барчани қутлади. Шунингдек, ушбу тадбирда юртдошларимиз ўзининг юксак сиёсий савияси, ҳуқуқий маданияти ва Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намоиш этиб, юрт келажигига бефарқ эмасликларини намоиш этиганини таъкидлади. Сайловни ўтказиш жараёнида О'зЛиДеР барча тузилмаларининг фаол иштироки таъминланганини ҳам алоҳида эътироф этди.

О'зЛиДеР матбуот хизмати

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИК!



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Халқимиз олти ярим йиллик қисқа даврда ҳақиқий инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида ғоят улкан марраларга эришилганига гувоҳ бўлди. Худудлардаги сайловолди учрашувларида ҳам кўп-кўп эътироф этишди буни. Уларнинг юз-кўзида, гап-сўзида бир истак зоҳир: сайловчиларимиз, халқимиз бу ўзгаришларнинг давомли бўлишини истади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодининг инсон қадрини улуғлаш, халқ иродасини, орзу-умидларини рўёбга чиқариш бош фалсафаси ҳисобланган сайловолди дастури шу сабаб ҳам сайловчиларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Сайловчилар кейинги етти йилда, ислохотларнинг навбатдаги босқичида амалга ошириладиган ишлар кўлами билан танишиб, ўзи ишонган, умид боғлаган номзодни халқаро стандартларга, талабларга тўла жавоб берадиган тарзда ўтказилган сайловда қўллаб-қувватлашди.



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Ҳеч муболағасиз айтоламанки, сўнгги 6-7 йилда Янги Ўзбекистоннинг мустақкам пойдевори қўйилди. Энди янги жамият, янги давлатни қуришга қаратилган шиддатли ва туб ислохотлар жадал суръатда давом этади.

Мазкур сайлов катта ўзгаришлар остонасида турган мамлакатимизнинг яқин ва узоқ келажакдаги тараққиётини ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлаш, бу борада олдимизда турган, ўз жавобини қутаётган ўтқир саволлар ва долзарб вазифалар ечимини топишда тарихий аҳамият касб этди.

Буни жуда яхши англаган миллионлаб сайловчиларимиз ўз танловини амалга оширди. Ишончимиз қомилки, бу танлов жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон Янги Ўзбекистонни барпо этишга хизмат қилади.



Исмигул ХУШМУРОДОВА,
Қарши давлат университети қошидаги академик
лицей директори, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

– Кўп йиллик педагогик фаолиятим давомида сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда иш юритишимга тўғри келган. Бу табиий ҳолат. Масалан, авваллари ҳам қанча сайловларда қатнашганман. Лекин кейинги 6-7 ичида мамлакатда сиёсий-ижтимоий воқеалар, айтиш керакки, ўзига хос тарзда содир бўлмоқда. Яқинда ниҳоясига етган президентлик сайловини олайлик. Айримлар назарида муддатидан аввал ўтказилган бу жараён энгилгина ўтиб кетгандек туюлади. Аксинча, ўзим шу қизгин воқеалар ичида бўлганим учун баралла айта оламанки, айнан мана шу сайлов осонгина кечгани йўқ.

Албатта, ташкилий ишлар ўз йўлига. Аммо тарғибот тадбирлари, одамлар орасига кириб, номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган ҳар бир йўналишнинг мазмун-моҳиятини керак бўлса ҳижжалаб тушунтириш лозим бўлади. Нега десангиз, бугунги сайловчилар бурунги сайловчилардан кескин фарқ қилади. Шу маънода айтиш мумкинки, Марказий сайлов комиссиясининг эълон қилган сайлов натижаларини кўриб, эшитиб, бошимиз осмонга етди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демок-

ратик партияси номзоди Шавкат Мирзиёевнинг бу масъулиятли ва шарафли курашда эришган улкан муваффақияти ушбу сиёсий кучнинг ҳам обрў-нуфузи халқ ўртасида янада ошишига хизмат қилади деб ўйлайман.



Акрам ТЎРАЕВ,
тадбиркор, Санкт-Петербург шахри:

– Асли Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғида таваллуд топганман. Тақдир тақозоси туфайли 18 йилдан бери Россия Федерациясида яшаб, ишлаяпман. Дастлаб оғир ишларни ҳам бажардим, яширмайман, қийинчи-



ликлар бўлди. Чидадим, сабр қилдим. Мана, бугун Санкт-Петербургда ошхона, ресторанлар эгасиман. Етмишдан кўпроқ ҳамюртларимни ишли қилганман.

Йўлингиз тушса, меҳмонимиз бўлинглар. Нега бу гапни айтаяпман. Бойси, иш жойларимиз пештоқига “Ассалому алайкум, Ўзбекистондан саломлар, уйингизда ҳамisha тинчлик бўлсин!” деган ширимизни ёзиб қўйибмиз. Биз қаерда бўлсак ҳам, Ватан соғинчи билан яшаймиз, нафас олашимиз.

Бошимдаги Шахрисабз дўпписига эътибор бераяписми? Бу улўф соҳибқирон бобомиз Амир Темури ҳазратларига бўлган меҳр-муҳаббатимиз белгисидир. Чунки жаҳонгир бобомиз туғилган замин ва ул зотнинг авлодлари дафн этилган зиёратгоҳларда ҳам баҳоли қудрат хайрли ишларга улуш қўшганимдан миннатдорман.

Баландпарвоз гаплар эмас бу, шахсан мен Шавкат Мирзиёевдан Ватанни қандай даражада севмоқни ўргандим, десам муболаға бўлмаса керак. Шунинг учун 9 июль арафасида Ўзбекистонга учиб келдим ва ўз она юртим тупроғида муносиб номзод учун овоз бердим. Бу менинг орзум эди.



Комил УЛУҒОВ,
Тошкент шахри, Миробод туманидаги
143-сайлов участкаси раиси:

– Худудимизда яшаётган сайловчилардан 2244 нафари ушбу тарихий жараёнда қатнашишди. Улар орасида бевосита бу ёққа ўзлари келиб овоз бериш

имконияти йўқлар ҳам бор эди. Шу боис 30 нафар ётоқдаги сайловчилар учун кўча кути ташкил этилди. Барчаси қонуний асосда амалга оширилди.

Савол туғилади: хўш, бу йилги муддатидан аввал ўтказилган президентлик сайловининг аввалгилардан фарқли жиҳатлари нималарда акс этди? Энг биринчи жиҳат шуки, бу бевосита янгиланган Конституциямиз қабул қилинган билан боғлиқдир. Чунки Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, эндиликда ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилинади ва улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат бобида жиддий ўзгаришлар рўй бериши табиий. Яна бир томони, янги Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдида кечиктириб бўлмайдиган ўзига хос сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳам қўймоқда. Шундай экан, бу сайлов бошқача формада ўтказилиши кутилганди, десам муболаға эмас.

Худди шундай бўлди ҳам. Оддий мисол, номзоднинг мамлакатимизнинг турли худудларида ўтказган сайловолди учрашувларида ўша жойнинг иқтисодий муҳити, аҳолининг ижтимоий аҳоли, одамларнинг яшаш тарзидан келиб чиқилган ҳолда келгуси етти йиллик истиқболли йўналишлар белгилаб олинди. Бир сўз билан айтганда, сайлов янги асримизнинг тарихий воқеалиги сифатида янги Ўзбекистонимиз зарвақларига муҳрланиб қолади.



Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
журналист:

– Касбимиз тақозоси туфайли 9 июлда деярли кун бўйи ишда бўлдим. Юртимиздаги сайлов жараёнларини кузатиб турдик. Очиғини айтишим керак, одамларимиз йиллар ўтгани сайин анча ўзгаришларни кўришди. Олдинлари кўп бора гувоҳ бўлганмиз, мен чиқдим нима, чиқмадим нима, менинг овозим нималарни ўзгартирарди, деган кайфиятдагилар кўп учрарди. Бу йил анча фаоллик кузатилди.

Ўзимдан қиёс, сайлов кунни беш яримларда ишдан қайтаётиб сайлов участкасига неварам билан кирдик. Ўша пайтда ҳам сайловчилар кети қизилмаганди. Ўзим ҳам қизикиб, менга ўхшаб кечикканлардан сайлов тўғрисидаги фикрларини сўрашга улгурдим. Уларнинг аксарияти ўз ихтиёрлари билан овоз беришга келишаётганини, айниқса, ҳеч қандай зўрма-зўраки даъватларсиз ҳам келишганини таъкидлашди. “Биз уйда ўтирганимиз билан бошқа биров келиб сайлов бюллетенини тўлдириб кетмайди-ку. Ундан кўра ўз фуқаролик бурчимизни бажариб кетиш учун келдик” дейишди кўпчилиги.

Мана яқинда Туркияда бўлиб ўтган президентлик сайловида қардошларимизнинг нақадар фаоллик кўрсатишганини кўриб ҳавас қилгандик. Кечаги сайловда ватандошларимиз кўриб ҳавас қилгандик. Мана яқинда Туркияда бўлиб ўтган президентлик сайловида қардошларимизнинг нақадар фаоллик кўрсатишганини кўриб ҳавас қилгандик. Кечаги сайловда ватандошларимиз кўриб ҳавас қилгандик. Мана яқинда Туркияда бўлиб ўтган президентлик сайловида қардошларимизнинг нақадар фаоллик кўрсатишганини кўриб ҳавас қилгандик. Мана яқинда Туркияда бўлиб ўтган президентлик сайловида қардошларимизнинг нақадар фаоллик кўрсатишганини кўриб ҳавас қилгандик.



Дилфуза ТУРСИМАТОВА,
Яшнобод туманидаги “Мумтоз” МФЙ раиси,
685-сайлов участкаси раиси ўринбосари:

– Сайлов ўз номи билан сайлов. Жиддий синов бу. Ҳар кимга ҳам бундай шарафли вазифа юклатилмаган. Тўғрими? Шу маънода бизнинг сайлов участкамизда яшаётган қарийб уч мингга яқин сайловчилар ҳам катта дарёдан бир томчига ўхшаса-да, лекин жуда улўф ишга дахлдор эканликлари билан фахрлансалар арзийди. Сабаби, улар орасида дунё кўрган дуоғўй нурунийлардан тортиб, элимизда ардоқли бўлган зиёлилар, ижодкорлар ва толеи баланд ёшлар ҳам бор эди.

Қисқача айтганда, бу сайлов насиб этса янги Ўзбекистонимиз учун мустақкам пойдевор вазифасини ўтайди.

НАСИБА опа, фаррош:

– Илтимос, манзилим ва фамилиямни ёзмам. Йўғ-е, шартмас, расмга олмаган. Эл қатори бир илож қилиб, имкон топиб қатнашиб келдим. Чунки биз бундай байрам ва расмий тадбирлар маҳали дам олмаймиз. Ишламасак, биласиз, ҳар хил одам бор, дуч келган жойга чиқинди ташлаб кетаверади. Худода шукр, шу меҳнатим ортидан рўзгор тебратаямман. Ҳеч қачон олимаيمان.

Сайлов ҳақида гапирайми, албатта, қатнашиш керак. Нега бефарқ бўлишимиз керак экан. Ҳар биримиз фаол бўлсакки, тараққиёт, ривожланиш бўлади-да. Авваллари бир оила номидан битта одам овоз бериб келарди. Лекин кейинги йилларда деярли учратмадим бундай ҳолатларни. Масалан, бизнинг оиламиздан тўрт киши ўзимиз бориб овоз бердик.

Саҳифани “XXI asr” мухбирлари Норқобил ЖАЛИЛ,
Сардор МУСТАҒОЕВ тайёрлади.

Бир байрам бўлдики...

Эл-юрт тақдирига бўлган дахлдорлик хисси жамиятда кечаётган ислохотлар, ҳаётимиздан муқим ўрин олган янгилıklar, одамлар дунёқарашдаги ўзгаришлар юртдошларимизнинг сиёсий фаоллигига ҳам ўз аксини топмокда.

Бу ҳолат жорий йил 9 июль куні муддатидан олдин Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайлов жараёнларида ҳам яққол кўзга ташланди.

4-Жиззах округида 792 минг 323 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, улардан 11 минг 672 нафари ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда муддатидан олдин овоз берди.

Президент сайловида 18-30 ёшдаги 260 минг 362 нафар жижзахлик ёшнинг 20 мингдан ортиғи биринчи маротаба иштирок этди. Шунингдек, 70 ёшдан юқори бўлган 22 минг 914 нафар овоз берувчи фуқароларимиз ҳам рўйхатга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сайлов куні эрта тонгданок сайлов участкаларига ошиққан сайловчилар орасида илк бора овоз бераётгани юзларидидаги ҳажондан сезилиб турган йигит-қизларни, кексалик



гаштини сураётган нуронийларни ва байрамона кайфиятдаги бошқа юртдошларимизни кузатар эканмиз, дарҳақиқат, жижзахликлар мамлакатимизнинг бугуни ва эртасига бефарқ эмаслигига яна бир бор амин бўлдиқ.

Бу кун зарбдорлик Улугбекжон Тоштенев ва Жасминахон Расулова ҳамда янгиободлик Нурулло Нарзуллаев ва Ханифа Ҳакимкулова ҳаётида унутилмас саналардан бири бўлди. Оила қуриб, янги ҳаёт оstonасига қадам қўяётган бу ёш келин-куёвлар ўзлари яшаётган ҳудуддаги сайлов участкаларига бориб, муносиб номзодга овоз беришди.

Фориш туманида яшовчи 100 ёшни қаршилаётган отахонлардан бири – Мирза бобо Суёнов Ғараша маҳалласидаги 405-сайлов участкасига келиб овоз берди.

– Сўнгги йилларда турманимизда, бутун форишликлар ҳаётида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бермокда. Биз, нуронийлар бу ўзгаришларнинг бардавом бўлишини истаимиз. Шу сабаб фарзандларимга мени сайлов участкасига олиб боришлар, дедим. Бу ерга келиб, ўзим ишонган номзодга овоз бердим, – дейди отахон биз билан суҳбатда.

Умуман, вилоятдаги мавжуд 524 та сайлов участкасида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини ифода этишлари учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратиб берилди. Бу ерга келиб овоз бериш имконига эга бўлмаган фуқаролар учун кўча кутилар олиб берилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” мухбири

САЙЛОВОЛДИ МУРОЖААТЛАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ ВА ИРОДАСИНИ АКС ЭТТИРДИ

Сайлов жараёнида аҳоли билан янада самарали мулоқот қилиш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди жамоат қабулхоналари ҳамда call-маркази фаолияти йўлга қўйилган эди.

Мазкур қулайликлар орқали сайловчилар O'zLiDeP номзодининг сайловолди дастури мазмун-моҳияти билан танишиш, сайлов жараёнларига оид саволлар юзасидан маълумот олиш, шунингдек, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириш имкониятларига эга бўлишди.

Хусусан, жорий йилнинг 7 июнидан 7 июлига қадар фуқаролардан жамоат қабулхонаси ва call-марказига жами 316 та

мурожаат келиб тушди. Уларнинг 226 таси бевосита қабул қилинган ва ёзма мурожаатдир. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир мурожаат ортида сайловчиларимизнинг хоҳиш-иродаси, таклиф-мулоҳазаси бор. Шу сабаб ҳам уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади.

Улар мазмунига кўра: номзоднинг сайловолди дастурига таклифлар – 71 та; кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик соҳасига оид – 25 та;

қишлоқ ҳўжалигига оид – 23 та;

суд-ҳуқуқ муҳофазасига оид – 19 та;

шахсий ва ижтимоий муҳофаза оид – 78 та;

бошқа масалалар – 10 та.

Call-маркази орқали эса 90 та мурожаат келиб тушган.

Уларнинг 8 таси номзоднинг сайловолди дастурига таклиф;

7 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид;

5 таси қишлоқ ҳўжалиги;

11 таси суд-ҳуқуқ соҳаси;

51 таси шахсий ва ижтимоий муҳофазаси бўйича;

8 таси бошқа масалалар.

Юқоридидаги мурожаатлар-

нинг 163 таси қаноатлантирилган, 57 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 96 таси тегишли ташкилот ва идораларга йўналтирилган.

Энг муҳими, мазкур ҳолат халқимизнинг муҳим сиёсий жараёнга ва у орқали ўз келажагига бефарқ эмаслигини акс эттиргани билан қувонарлидир. Бу эса ҳамюртларимизнинг сиёсий қизиқиши ва билими, жамиятдаги ўзгаришларга ўз фуқаролик ҳиссасини қўйиш иштиёқи кундан кунга ортиб бораётганидан далолат.

Насимжон АЛИМОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири

САЙЛОВ – 2023

Қашқадарё вилояти аҳли ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиб, Янги Ўзбекистонимизнинг ёруғ келажаги учун овоз бердилар.

– Саратоннинг қоқ ўртаси, қуёш тандирдай қизиб турганига қарамасдан, маҳалламизда яшаётган кексаю ёшлар эрталабданок сайлов участкаларига келиб, халқимиз фаровонлигини, юрт равнақини ўйлайдиган, истиқлолимиз таъинчлари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қув-



МИЛЛАТ ИСТИҚБОЛИ, ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР

ватлайдиган номзод учун овоз бердилар, – дейди Косон туманидаги “Янги Ўзбекистон” МФИда яшовчи Муассар ая Рўзиева. – Президент сайловида маҳалламиз нуронийлари, меҳнат фахрийлари, 100 ёшли ва ундан катта бўлган ёши улуг отахон ва онахонларимиз ҳам овоз бериш жараёнларида фаол иштирок этишди. Улар байрамона кайфиятда бошланган сиёсий жараёнларда фарзанду набираларига ибрат бўлиб, биринчилардан бўлиб сайлов участкаларига келиб, ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда овоз беришди. Яратган эгамдан халқимиз маъмурлиги, юртимиз ободлиги, истиқлолимиз абадиликлини сўраб дуолар қилишди. Бугунги танловимиз Янги Ўзбекистон эртаси учун қўйилган тамал тоши, шубҳасиз, кўп миллатли мамлакатимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг яққол ифодаси бўлади. Айниқса, кела олмайдиган кекса отахон ва онахонларимизнинг уйларида сайлов участкалари вакилларининг ўзлари бориб, уларнинг ҳам бу жараёнда қатнашиларига шариот яратиб берганликлари кўнгилларини осмон қадар юксакликка кўтарди.

– Янги Ўзбекистонимизда ёшларнинг шахсий, сиёсий,

иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш борасида ғамхўрлик қилинмокда, – дейди ёш олима Умида Маҳмудова. – Биз ёшлар ислохотлар самарасини бугун ҳар жабҳада кўриб, гувоҳи бўлиб келяпмиз. Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлаш, уй-жой, ишга жойлаш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга қилиш учун шарт-шароит яратилган. Бу каби ислохотлар нафақат биз ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва юртимизнинг фаровонлиги учун муҳимдир. Воҳамиз ёшлари ҳам Президент сайловида фаол қатнашиб, ўз сиёсий иродаларини исботлашди. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда ёшларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари, билим ва ҳунар ўрганишлари учун улугвор ишлар қилинди. Салоҳиятли йигит-қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш, илмий ишланмалари, яратувчанлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ислохотлар бардавомлиги учун овоз бердиқ.

– Воҳамиз тадбиркорлари иқтисодиётни юксалтириш, аҳо-

ли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ислохотларнинг бардавомлиги учун овоз бердилар, – дейди яккабўғлик тадбиркор Ҳожамакбар Ботиров. – Юртимиздаги ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари кўламини барча юртдошларимиз сингари яккабўғликлар ҳам ўз ҳаётида ҳис қилишмокда. Айниқса, тадбиркорликка кенг йўл берилгани ёшлар учун янги-янги иш ўринлари очилишига яқиндан ёрдам бермокда. Мен бундан турмандошларим қаторида сайловда қатнашдим ва Ўзбекистон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиб, халқимиз фаровонлиги йўлида тинмай изланаётган, Ватанимиз тинчлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш, қудратли давлатни қуриш борасидаги ислохотлар ташаббускори бўлган фидоий инсон, муносиб номзод учун овоз бердим.

Вилоятда ташкил этилган 1007 та сайлов участкасида овоз бериш жараёнлари юксак уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик руҳида билан ўтказилди. Сайлов куні сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 1 475 066 нафар сайловчи ўзлари муносиб деб билган номзод учун яқдиллик билан овоз беришди.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИ

АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛСАГИНА, СОҲА РИВОЖ ТОПАДИ

“Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Айни шу фаолият билан тадбиркорлик фаолияти субъектлари, яъни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда бундай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар шуғулланади. Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай шахс тадбиркорлик билан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ва унинг ташқарисида эркин шуғулланиш, шунингдек, ўз мулкидан ҳар қандай қонуний тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тадбиркорлик субъектлари қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Аммо ҳали-ҳамон давом этаётган бюрократия, тўсиқ ва ғовлар, айниқса, қонунга зид бўлган қонуности ҳужжатлари, озғаси бўйруқ ва топшириқлар тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги принципининг амалиётга тўлақонли таътиқ этилишига дахл қилаётганини куза-

тиш мумкин. Бу эса соҳа ривожига салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

Принципни амалиётга татбиқ этишда тадбиркорлар дуч келаётган масалаларни қўйидаги икки турга бўлиш мумкин:

Биринчидан, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини ташкил этиб, рўйхатдан ўтар экан, албатта, лицензия, рухсатнома, гувоҳнома олиш учун у ёки бу давлат органи билан маълум тартиб-таомиллардан ўтиш учун белгиланган ҳуқуқий муносабатга киришади;

Иккинчидан, тадбиркорлик субъекти бошқа бир субъект ёки давлат ё ташкилот билан шартномавий ҳуқуқий муносабатга киришади.

Мазкур муносабатларда биз айтган принцип тўғридан-тўғри, сўзсиз ижрога қаратилиши лозим. Шу асосда алоҳида таъкидлаш ўринли бўлган жиҳат ҳам мавжудки, бу ўрнатилган турли тартиб-таомиллар тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги шартномаларга таъсир этиб, шартнома эркинлиги, умуман шартномавий муносабатларда низоларнинг ортисига омил бўлмокда.

Чунончи, бугунги кунда иқтисодий судларда энг кўп қўрилаётган низолар тадбиркорлар, айниқса, тадбиркор ва давлат ташкилотлари ўртасида имзоланган шартномаларда, шартномавий мажбуриятлардан келиб чиқаётганида кўриш мумкин. Бундай шартномавий муносабатларга давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги қурилиш пудрат, маҳсулот етказиб бериш каби низоларни келтириш мумкин.

Ушбу низоларнинг омилли айнан биз тилга олган принципнинг узвий бўлаги бўлган шартнома эркинлиги принципи, яъни шартномавий муносабатларга давлат органлари, ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа учинчи шахсларнинг у ёки бу тарзда таъсир ў-

казиш ҳолатлари ҳали-ҳамон мавжудлиги ёки эркинлик принципи ҳар доим ҳам амалиётга тўла татбиқ этилмаётганидир.

Ваҳоланки, яқиндагина қабул қилинган янгиланган Асосий қонунимизнинг 65-моддасида фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши, хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланди. 66-моддада эса мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, 67-моддада давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли экани, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиши олий юридик кучга эга бўлган нормалар асосида белгилаб қўйилди.

Шундай экан, фаолият эркинлиги принципини қўллаш ҳам қонун ижодкорлигида, ҳам амалиётда бирдай устуворлик касб этиши мақсадга мувофиқ. Ана шундагина мамлакатимизда ишбилармонлик янада ривожланади ва иқтисодимизни юксалтиради.



Нуриддин МУРОДОВ, Саросиё туманлараро иқтисодий суди раиси, Судьялар олий мактаби мустақил тадқиқотчиси

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

БОЖХОНА БОЖИНИ ТЎЛАШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига дахлдор бўлган муҳим қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасида божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари қандай тартибда берилиши бўйича аниқлик киритилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт кийимлари, ашёлари, оёқ кийимлари, спорт анжомлари, жиҳозлар ҳамда ускуналарни Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталари, олимпия ҳамда паралимпия спорт турлари бўйича федерациялар таклифига асосан Ўз-

бекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан шакллантирилган рўйхат асосида давлат ҳамда нодавлат спорт-таълим ташкилотлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун хориждан импорт қилинганда божхона божини тўлашда 50 фоизга қадар имтиёз берилиши белгиланмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини билдирди. Узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ва нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эришилишини эътиборга олиб, уни маъқуллади-лар.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган масалалар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

МУТОЛАА

САФАР ОСТОН САБОҚЛАРИ

...Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли давлат ва жамоат арбоби, миллий журналистикамизда ўзига хос мактаб яратган устоз Сафар Остоннинг “Умид билан яшагин” китоби тақдиротида олис Хоразмдан бир дунё хотиралар умиди билан боргандим.

Ёзувчилар уюшмасининг хассос қаламкаш инсонни яқиндан ва ғойибона билган, таниган мухлислар билан тўлган муҳташам залида ўша куни ўзгача руҳ, ижодий муҳит ҳукмрон эди. Деярли ҳаммамизнинг кўнглимизда айтилмаган самимий ва ўлмас ҳаётий ҳикоялар бор эди.

Тақдирот аввалида “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмадjon Мелибоев давралоши сифатида сўзламоққа чоғланган ва юрагидagini бор дил изҳорларини тўқмоқ умидида келганларга атиги беш дақиқагина вақт ажрати-лишини айтганлари бежиз эмасди: чунки сўзга чиқувчилар рўйхати узун эди!

Бугунги кунда ноширлик бобида катта тажриба тўпла-ган “Академнашр” нашриётида чоп этилган “Умид билан яшагин!” китобининг муқаддимасидаги Сафар Остоннинг юрак қони билан битилган ушбу сўзларини ўқийлик:

“Ҳадиқсираб, чўчинқираб ёзиш, бир гапни айтиб, ик-кинчисини айтолмаслик азоб. Бошинг узра қилич ўйнаёт-гандек туюлади. Олчқлар, бебурдлар, қўли узунлар билан ўйнашиш қалтислигини, хавфлилигини ўйлайсан. Разола-ту жаҳолат кафанига бурканиб, халқ номидан ёлғон сўз-лаётганлардан ҳайиқасан. Хаёлингга “тилидан кетганлар” келаверади. Виждон билан, иймон билан, исён билан ёза-ётганлар, қуйлаётганлар бошига тушган мусибатларни ўй-лайсан.

Ёзмаслик эса ундан-да азоб: виждон куйдиради, ўзингдан-ўзинг нафратланасан, кўрқиб яшагандан кўра яшамаган афзаллигини англайсан. Диёнатли одамларга умид бўлмайсан. Шу умид, шу ишонч курашишга ундайди...”

Умрининг сўнгги нафасига қадар СЎЗ ва ҚАЛАМга содиқ қолган инсон ҳақида тақдироти бошлаётиб Аҳмадjon ака “Китоб муқовасидаги суратга боқайлик, дўстлар! Қараб бўладими унинг расмига? Гўёки рўпара-мизда Сафарнинг ўзи турибди-ю, бизларга қараб, “Нега мени асраб қололмадингиз?” дея маломат қилаётгандек туюляпти шахсан менга”, дея кўзлари ёшга тўлди...

Биринчи сўз навбати узоқ йиллар Сафар Остонов билан битта тахририятда елкадош, ҳамфикр бўлиб ишла-ган, юзлаб қаламкашларнинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқовга тегди. Сафар аканинг энди ўзи туғилиб ўсган Самарқанддан Тошкентга келган маҳалидан тортиб, талабалик даври, мухбир-жур-налист бўлиб шаклланган муҳит, ниҳоят эл орасида унинг қай даражада жасур ва машхур бўлиб кетгани, таълиқлар, собиқ “десантчи”лар билан кечган дахшатли курашлар, зуғумларни қай даражада енгиб ўтгани... хуллас, устознинг энг сўнгги яъни охирати сафарига кетаётганида ҳам иккиси-нинг дийдорлагани билан боғлиқ хотиралар юракларни маҳзун этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, адаб-шoir, ЎЗА бош директори Абдусайд Кўчимов Сафар Остоновнинг, аввало, инсоний фазилатлари, қолавер-са, қалтис даврларда қадри, шаъни, тақдироти топталган юртдошларимизнинг ҳақ-хуқуқларини мардона ҳимоя қи-лишдек шарафли вазифани адо этишда кўрсатган бекиёс жасорати хусусида сўзлаб берди. Сўнгга залга юзланар-



кан, ушбу китобдаги нодир манбалар ва материалларни тайёрлашдек машаққатли ишни бажарган устознинг садоқатли шогирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журна-лист Норқобил Жалил номини алоҳида эҳтиром билан тил-га олди.

Яна қанча эл таниган ижодкорлар минбарга чиқди. Элас-элас эслайман. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар – Сафар Остоновнинг қадрдон дўстлари, шогирдлари Фармон Тошев, Анвар Абдувалиев, Ахрор Аҳмедов (дарвоқе, ушбу китобнинг масъул муҳарри-ри), Муҳаммадjon Обидов ва Исмаи Хушев, Хусан Эрмат, Муқаддас Абдусаматова, Азамат Сунонов ва бошқалар ҳам бор эди...

Мен эса давра ўртасида ўзим билан ўзим ғойи-бо-на сўзлашиб ўтирибман-у, устоз бўлса каминага юзланиб “Рўзимбой, ёшулли, нима, сенинг ҳам мен ҳақимда айт-ар гапларинг йўқмиди? Эсла, эсла!” дея сўроққа тутаетгандек туюлаверди.

Нега десангиз, очиғини айта қолай: шунча йўл босиб Оролбўйидан борган одам ўша лаҳзаларгача сўз айтмоққа навбат кутган бўлсам... энди барибир гапирга олмаслигим-ни билдим. Хотирамда айланиб юрган оловли сўзлар бўғ-зимни тўлдирган... беихтиёр рўмолчамни излаб қолгандим. Шу ёллик қаҳда нималар демоқчи эдим?

Ўттиз йил қаҳдан нималарни айттиш мумкин эди? Деда беш дақиқадан нималарни айттиш мумкин эди?

Билмадим.

...Туман газетасида атиги уч йил ишлаган ва тақдир тако-зоси билан ўша даврда республикада энг машхур ва адади миллион қадар бўлган нашрнинг Қўйи Амударё минтақа-си бўйича сайёр мухбирлигига тайинланган, қадамидан ўт-чақнайдиган мендай йигитга нималарни ёзиш эмас, нималар-ни ёзмаслик кераклиги ҳақида сабоқ берганлариними?

“Ўқувчи ҳамиша кўз олдингда турсин. У нималарни ўқийди ва нималарни ўқимайди, шунга англаб ол! Ҳисси-з, куруқ ахборот ва рақамлардан иборат мақолалар ёзма! Ўзингни ҳам қийнама, муштарийнинг асабига ҳам тегма!”

Бу – устоз Сафар Остоннинг сўзлари!

“Сенда ҳуқуқий мавзуда ва яна танқидий мақолалар ёзишга иштиёқ бор. Бу журналистикада энг оғир юмуш. Одам янтоқзорга киришдан олдин оёғига қўнжли этик, устига тикан кирмас кийим ва қўлқоп кияди. Танқидий мав-зуда ёзадиган журналист ўзини янтоқзорга оёкяланг уради дегани. Олдиндан шунга рози бўлсанг, қўлингга қалам ол!”

Буям Сафар аканинг сабоқлари! Фаолиятида уч бора суд маҳкамаларига тортилган журналист – каминага бош-ламада ўқтирганлари...

...Куни кеча газетдада республика бош прокурори ўрин-босарининг таъйирини берган, уни ўнгламас даражада “нокаут”га учратган журналист кечқурун ишдан сўнг трам-вай бекатига охишта қадамлаб бораётганини кўрганман...

...Ноҳақ тухмат туфайли ўро суди томонидан сал бўлмаса отилиб кетай деган Аҳмадjon Одилов қамоқдан қайтганида уни пойтахтдан узоқ Намангандаги уйига-ча кузатиб борган журналист (Сафар аканинг ўзи бу воқеа-ни роса ҳайратга тўлиб айтиб берганлари эсимда: шунча йиллик терговлар, хўрлик, Москва турмаларидаги сўнгсиз сўроқлар ва ниҳоят Тошкентдаги суд ва озолиқ нафаси-дан сўнг Одиловнинг Қамчиқ довоидан ўтилган, ўз қўли билан обод қилган боғлар ва далаларнинг хароба аҳволга тушганини кўриб кўзёш тўкканлари) ҳаяжонли сафардан қайтган, Сайилгоҳдаги оддийгина ошхонада овқатга нав-батда турганига гувоҳман...

Яна нима дейин сизга?

Хўш, Худо бериб, ўша кунги тақдиротда менгаям сўз тегиб қолганида беш дақиқада шунча воқеа, дарду қувонч-

ларимнинг ҳаммасини айтишга улгуриб бўлармиди?

...Айтолмадим. Тўлиб-тошиб гапирганларнинг ёруғ хо-тиротларидан эзилиб, таъсирланиб ўтиришгагина ярадим, холос.

Тақдирни қарангки, устознинг тоғлардай залворли юки бўлган нодир китоби тақдироти ўзи чин дунёга рихлат қилган 9 июнга тўғри келибди. Мана, орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтганти. Шу орада “Умид билан яшагин” кито-бини қайта ва қайта ўқидим. Уша оловли даврлар кўз ўн-гимдан бирин-кетин ўтаверди.

“Газета бир кун яшайди”, дейилимиш гап бор. Тўғри-дир, қачонки шу нашрда эртага эскирадиган хабар бўлса, мужмал, тайинсиз бирор мақола бўлса балки. Аммо Са-фар Остонов ёзган ва ушбу китобдан ўрин олган мақола-лар “бир кунлик” эмас – қирқ йил олдин ёзилган бўлса-да, ҳали ҳамон юракларни жунбўшга келтиради, фикрлашга мажбурлайди. Навбатдаги фелъетон ё очеркни ўқиб бўл-гач... беихтиёр атрофга назар соламиз ва биламизки, мав-зу эскирмаган, ҳалиям эътиборга лойиқ мулоҳазалар ким-ларга умр йўлларида мисли машъала янглиғ йўлкўрсаткич вазифасини ўтайди.

Кафолат бераман, уларни бугун, эртага ва кейинги асрда ҳам ўқишлари ва ундан завқланишлари, ибрат олиш-лари мумкин.

Бундай мақолалар ёзмоқ ҳар бир журналистнинг умр-бод орзуси!

Ўрни келди айтиб кетай: сўнгги йилларда турли-туман китоблар кўпайди. Ноширлар тиним билишмаяпти. Ўқувчи-да танлаш имкони бор. Истеъмолда “китоб тартиб бериш” деган ибора бор. Кўпчилик – ёзувчию ноширлар айнан “ки-тоб тартиб бериш” борасида беҳафсала, эътиборсиз бў-либ кетишган. Шунданми, айрим китобларни қўлга олиб, муталоага киришсангиз борми, мисли чангалзорга кириб қолгандек бўласиз. Бирисида бордан, яна бирисида тоғдан келинганки, борар йўл – ўқиб йўналишида адашиблар ке-тасиз.

Шу маънода шундай гўзал китобнинг дунёга келишида беимнат хизмат қилган ижодкорлар ва нашриёт ходими-ларига минг бора ташаккурлар айтмоқ керакки, ушбу тўплам-ни бағоят юксак даражада тайёрлашган.

“Умид билан яшагин” китоби жавонимда турибди. Устоз теран нигоҳлари билан навбатдаги “бошоғрик” мав-зуни ёритишга киришган дангаса шогирдига суратдан маънодор боқаётир ва сабоқ беришда давом этмоқда. Бу эса барча ҳамқалам дўстларимни умид билан яшашга чор-лайди!



Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирождидин САЙИИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Сардор
МУСТАҒОЕВ
(бош муҳаррир
уринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 745

Адади: 21164

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди – 22:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов

томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ